

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

..15 “ март 2018 й. г. № 203

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 декабрдаги ПФ–5270-сон Фармони билан бажариш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларини ҳисобга олишнинг идоралараро ахборот тизимини яратиш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида интерактив давлат хизматлари (кейинги ўринларда “Ижтимоий ҳимоя” ИАТ деб аталади) кўрсатилишини ташкил қилиш ишларини амалга ошираётгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларини тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларини (кейинги ўринларда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари деб аталади) тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишнинг асосий мақсадлари ва вазифалари этиб белгилансин:

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи органлар ва ташкилотлар фаолиятини самарали назорат қилиш орқали кўрсатиладиган давлат хизматларининг сифатини ошириш;

тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилаётган ва ижтимоий ёрдам олаётган кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг Автоматлаштирилган ягона электрон реестрини (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) шакллантириш;

тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун ажратиладиган молиявий ва бошқа ресурсларни мақсадли тақсимлаш, харажатларни самарали режалаштириш;

давлат функцияларини бажариш жараёнларини, жумладан, тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар ва ахборот сонини қисқартириш ёки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатишда бундай ҳужжатлар ва ахборот тақдим этиш амалиётини тўлиқ бекор қилиш орқали оптималлаштириш;

давлат хизматларини олиш учун тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи органлар ва ташкилотларга электрон шаклда мурожаат қилиш имкониятини таъминлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

2018 йил 1 июнгача аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари тўғрисидаги комплекс ахборотни ўз ичига олган, давлат органлари ўртасида маълумотлар алмашиш ва бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш, шунингдек, суиистеъмол қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик имконини берадиган “Ижтимоий ҳимоя” ИАТнинг бир қисми ҳисобланадиган Реестрни ташкил этсин;

2019 йил 1 июнгача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда «Ижтимоий ҳимоя» ИАТни ташкил қилиш бўйича Техник-иқтисодий ҳисоб-китобни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Қуйидагилар:

“UZINFOCOM” Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ “Ижтимоий ҳимоя” ИАТни ишлаб чиқувчи этиб;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ижтимоий ҳимоя” ИАТ эгаси ва унинг узлуксиз ишлаши учун масъул орган этиб;

“Ижтимоий ҳимоя” ИАТни ташкил этиш тадбирлари Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири А.И.Ахмедҳаджаев, Соғлиқни сақлаш вазири А.К.Шадманов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил «15» мартдаги 203-сон  
қарорига илова

**Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича  
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг Автоматлаштирилган ягона электрон реестрини яратиш</b>				
1	Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг Автоматлаштирилган ягона электрон реестрини (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) яратиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш.	Техник топшириқни тайёрлаш ва тасдиқлаш	2018 йил 15 апрелгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
2	Тасдиқланган техник топшириққа мувофиқ Реестрни яратиш ва ишга тушириш.	Ташкилий тадбирлар	2018 йил 1 июнгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
				ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
3	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маълумотлар базасидан ва бошқа манбалардан пенсия ва нафақалар олувчилар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламлари тўғрисидаги мавжуд маълумотларни Реестрга киритиш.	Ташкилий тадбирлар	2018 йил 1 августгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
4	Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш жараёнларида иштирок этувчи вазирликлар ва идоралар томонидан уларга тегишли қисмда ахборотни тақдим этиш ва киритиш тартибини белгиловчи Реестрни юритиш регламентини, шунингдек, берилган вазифаларга мувофиқ Реестрдаги ахборотдан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Регламентни тасдиқлаш	2018 йил 1 августгача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
5	Реестрнинг кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш жараёнларида иштирок этаётган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялаштириш.	Интеграциялаштириш жадвали ва ташкилий тадбирлар	2018 йил 1 октябргача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, ИИБ, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
				таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
6	Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг мутахассисларини ўқитиш ва иш жараёнига тайёрлаш.	Ўқитиш жадвали	2018 йил 1 ноябргача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
<b>II. Тақдим этиладиган хизматларнинг кўрсатилиши, ҳажми ва сифатининг доимий мониторингини олиб бориш имконини берадиган, кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳисобга олиш, уларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш бўйича идораларо ахборот тизимини яратиш</b>				
7	Тақдим этиладиган хизматларнинг кўрсатилиши, ҳажми ва сифатининг доимий мониторингини олиб бориш имконини берадиган, кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳисобга олиш, уларга ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш бўйича идораларо ахборот тизими (кейинги ўринларда «Ижтимоий ҳимоя» ИАТ деб аталади) концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Идораларо ҳужжат	2019 йил 1 январгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
8	«Ижтимоий ҳимоя» ИАТни яратиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш.	Техник топшириқ	2019 йил 1 апрелгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ,

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
				Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
9	«Ижтимоий ҳимоя» ИАТни яратиш лойиҳаси бўйича лойиҳа ҳужжатини (ЛТИИ/ГИИ) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Техник ҳужжатлар	2019 йил 1 июнгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
10	«Ижтимоий ҳимоя» ИАТни, шу жумладан тегишли интерактив хизматларни тақдим этган ҳолда қуйидаги кичик тизимларни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий қилиш: кексалар ва ногиронларни аниқлаш, улар тўғрисидаги маълумотларни Реестрга киритиш, кекса ва ногирон кишининг электрон карточкасини юритиш, шунингдек, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ижтимоий хизматларнинг алоҳида дастурини ишлаб чиқиш; шифокорлик-меҳнат эксперт комиссияларида текширувдан ўтиш ва алоҳида реабилитация дастурининг (кейинги ўринларда АРД деб аталади) электрон шаклини яратиш; АРДга мувофиқ Миллий ва ҳудудий реабилитация марказларидаги реабилитация қилиш; АРДга мувофиқ протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-коляскалар билан таъминлаш; санаторий-курортларда даволаниш; интернат муассасаларига жойлаштириш;	Ташкилий тадбирлар	2020 йил 1 июнгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	<p>уйда хизматлар кўрсатиш, ижтимоий хизматлар алоҳида дастурининг (АД) электрон шаклини яратиш; дори-дармонларни ҳисобга олиш ва бериш; қарорлар қабул қилувчи шахсларнинг мониторларида таҳлилий ахборотни акс эттирган ҳолда, тақдим этиладиган хизматларнинг кўрсатилиши, ҳажми ва сифатининг мониторинги; ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, шунингдек, иш ўринларини захирага олиш ва ушбу иш ўринларида ишга жойлаштиришни назорат қилиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ кекса ва ногирон кишининг электрон карточкаси архивини юритиш.</p>			
11	<p>«Ижтимоий ҳимоя» ИАТни “Электрон ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграция платформасига улаш.</p>	<p>Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш</p>	<p>2020 йил 1 августгача</p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда</p>
12	<p>«Ижтимоий ҳимоя» ИАТда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш жараёнларида иштирок этувчи вазирликлар ва идоралар ходимларини тизимда ишлашга ўқитиш.</p>	<p>Ўқитиш жадвали</p>	<p>2020 йил 1 сентябргача</p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда</p>
13	<p>Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг тавсияларига кўра, «Ижтимоий ҳимоя» ИАТ ахборот хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш.</p>	<p>Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш</p>	<p>мунтазам</p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги, “UZINFOCOM” Ягона интегратор” МЧЖ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар</p>

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
				ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
<b>III. Кўриш қобилияти бузилган шахслар учун овозни қайта эшиттириш бўйича ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотларни жорий қилиш</b>				
14	Кўриш қобилияти бузилган шахслар учун давлат тилидаги овозларни қайта эшиттириш бўйича ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотларни яратиш ва ушбу ихтисослаштирилган дастурий таъминотни турли компьютер ва мобиль дастурий таъминотлар, шунингдек, операцион тизимлар билан интеграциялаштиришга доир (кейинги ўринларда ихтисослаштирилган дастурий маҳсулот деб аталади) техник топшириқни ишлаб чиқиш	Техник топшириқ	2018 йил 1 июнгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
15	Ўзбек тилидаги сўзлар ва ифодалар луғатини яратиш ва ҳар бир сўз, шу жумладан атамалар талаффузини ёзиш.	Сўзлар талаффуз этилган луғат	2018 йил 1 ноябргача	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда
16	Электрон матнларни автоматик равишда ўқиш ва овозни бошқариш учун сўзлар талаффуз қилинадиган луғат базасида ихтисослаштирилган дастурни, жумладан, мобиль қурилмалар учун ҳам ишлаб чиқиш, шунингдек, электрон матнни автоматик равишда ўқиш тизимини PDF, DjVu ва бошқа форматдаги матнларни ўқиш учун матнни ажратиш дастурлари билан интеграциялаштириш.	Ихтисослаштирилган дастурни ишлаб чиқиш	2019йил 1 мартгача	Ахборот технологиялари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази
17	Ихтисослаштирилган дастурни эркин тарқатиш чораларини кўриш, шунингдек, уни кўриш қобилияти бузилган шахслар ўқийдиган ва ишлайдиган таълим муассасаларида ва бошқа ташкилотларда ўрнатиш, унинг Интернет ахборот тармоғида тарқатилишини	Ташкилий масалалар	мунтазам	Ахборот технологиялари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги

№	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
	таъминлаш.			
<b>IV. Ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш</b>				
18	Вазирликлар ва идораларнинг «Ижтимоий ҳимоя» ИАТда ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш жараёнларида фойдаланиладиган мавжуд компьютер ва ташкилий техникасини хатловдан ўтказиш, шунингдек, уларни замонавий компьютер ва ташкилий техника ускуналари билан тўлдириш.	Хатловни ўтказиш жадвали «Ижтимоий ҳимоя» ИАТдан фойдаланиш учун масъул ходимларни техника билан таъминлаш	2018 йил 1 июнгача  2019 йил 1 январгача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
19	Давлат органлари ва «Ижтимоий ҳимоя» ИАТ иштирокчилари бўлган ташкилотларни Идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига улаш.	Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш	2018 йил 1 сентябргача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК
20	Жойларда ҳудудий диспетчерлик пунктларининг имкониятларини жалб қилганда ҳолда, мобиль алоқа тармоқлари орқали, шу жумладан нутқи ва эшитиш қобиляти бузилган шахслардан шошилиш хизматларга келиб тушадиган қисқа матнли хабарлар (SMS) кўринишидаги мурожаатларни қабул қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.	Ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш	2019 йил 1 майгача	ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ФВВ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Ўзбекистон республика карлар жамияти, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар